*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2016 йил 16 март
ЧОРШАНБА
№ 22 (12866)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

*Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг XI сессияси бўлиб ўтди. Унда Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, вилоят ҳокимлиги гуруҳ раҳбарлари ва котибият мудирлари, тегишли бошқарма ва ташкилотлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари, сиёсий партияларнинг вилоят кенгашлари етакчилари, туман ва шаҳар ҳокимлари ва ҳокимликларнинг ташкилий-назорат гуруҳи раҳбарлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳудудий бўлинмалари раислари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.*

Вилоят Кенгаши сессияси

Кун тартибига мувофиқ, сессияда Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутатлигига бўшаб қолган 27-"Келес", 33-"Дўстобод" ва 58-"Ниёзбош" сайлов округларида ўтказилган сайлов якунлари хусусида вилоят сайлов комиссияси раиси У. Абдушоҳидовнинг ахбороти тингланди ва янги сайланган депутатларнинг ваколатлари эътироф этилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2016 йил 5 мартдаги "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар белгиланди ва бошқа жорий ҳамда ташкилий маалалар муҳокама қилинди.

Йиғилишда кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

## Вилоят ҳаёти

### Қувват йил бўйи узилмайди

*Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг "Қалмоққир" руда бошқармасида ўрнатилган гелиоқурилма ёрдамида қуёш нуридан электр қувватлари ўзлаштирилмоқда.*

Бу ерга ўрнатилган замонавий коллекторлар йилнинг тўрт фаслида, ҳароратнинг қандай бўлишидан қатъи назар қувват захирасини тўплай олади.

Мазкур лойиҳа бошқарма учун ойига ўртача 17 минг кВт/соат электр қувватини тежаш имконини бермоқда.

**Ўз мухбиримиз.**

### Қўшма корхона баракаси

*Ўрта Чирчиқ тумани Қорасув қишлоғида фаолият юритаётган "Барака декор" қўшма корхонасида пенопластдан тайёрланаётган хилма-хил маҳсулотларни ички бозорда ўзига хос янгиликка менгзаса бўлади. Боиси, бино ва иншоотларни пардозлашда кенг фойдаланиладиган бундай ашёлар юртимизга илгари асосан хориждан олиб келинарди.*

Мазкур корхона мамлакатимиз раҳбарининг махсус қарори билан тасдиқланган "Тошкент вилоятининг саноат салоҳиятини ошириш дастури"га асосан, хорижлик ишбилармонлар сармояси ҳисобидан ташкил этилгани эътиборлидир.

Қайд этиш лозимки, корхонада ишлаб чиқариш жараёнлари тўлиқ замонавий технологияга асосланган. Маҳсулотнинг тайёрланиш жараёни ва сифат кўрсаткичлари компьютерлаштирилган тизим орқали бошқарилади. Илғор ишлаб чиқариш линиялари йилига 600 минг донадан зиёд импорт ўрнини босувчи замонавий бинокорлик ашёлари тайёрлаш қувватига эга.

**Алишер РАҲМАТОВ.**

### Дилбарнинг орзуси ушалди

*Қуйи Чирчиқ тумани "Мингчинор" маҳалласида яшовчи Дилбар Раҳматованинг оилавий корхона очиш орзуси рўёбга чиқди. Бундай имконият мамлакатимизда хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилгани, айниқса, аёлларга яратиб берилаётган имтиёзлар туфайли юзага келди.*

Бугун мазкур оилавий корхонада тайёрланаётган бир-биридан бежирим ва сифатли саватлар нафақат хонадонлар рўзғори, балки ўқув юртлари, ташкилот ва муассасаларни ҳам безамоқда.

– Сават тўқишнинг ўзига яраша машаққатлари бор, – дейди тадбиркор. – Асосий хом ашё – новдани тўғри танлаш, яхшилаб пиширтиш керак. Шунингдек, ҳунарманднинг қунт ва саботи маҳсулот сифатли бўлишида катта роль ўйнайди. Оилавий корхонамизни очгач, фарзандларим, набираларим ҳам шу ҳунарни эгаллашди. Ҳозир маҳалламиздаги ёшларни ҳам жалб этаяпмиз.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

*Тошкент вилояти ҳокимининг*
*ҚАРОРИ*

### А. САЛИМОВНИ ПИСКЕНТ ТУМАНИ ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 2-моддасига мувофиқ

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

Тошкент вилояти Пискент тумани ҳокими лавозимига Салимов Анарбай Тулаганович 2016 йил 14 мартдан тайинлансин.

Ушбу қарор Халқ депутатлари Пискент тумани ҳамда вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияларига тасдиқ учун киритилсин.

**Вилоят ҳокими С. АБДУЛЛАЕВ.**

Тошкент шаҳри, 2016 йил 14 март.

### ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ПИСКЕНТ ТУМАНИ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Пискент тумани Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди.

Шу вақтга қадар Юқори Чирчиқ тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари вазифасида ишлаб келган Салимов Анарбай Тулаганович Пискент тумани ҳокими лавозимига тасдиқланди.

## КИЧИК БИЗНЕСНИНГ КАТТА ИМКОНИЯТЛАРИ

Ташаббус – 2016

*Кеча "Ташаббус – 2016" кўрик-танловининг вилоят босқичи якунига етди.*



Мамлакатимизда бугун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётимизда тутган ўрни ва салмоғи ортиб бормоқда. Вилоятимизда ҳозирги кунда 50 мингга яқин кичик бизнес субъектлари фаолият кўрсатаётир. Уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 56,7 фоизни ташкил этмоқда.

Вилоят Савдо-саноат палатаси, Фермерлар кенгаши, "Ҳунарманд" уюшмаси ҳамда қатор тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган анъанавий танловнинг бу галги шаҳар ва туман босқичларида 393 иштирокчи қатнашди.

Тадбиркор, фермер ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, касб маҳорати ва билимини юксалтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, шу орқали мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини жадал ривожлантириш ҳамда иқтисодиётда хусусий секторнинг ролини ошириш мақсадида йигирманчи бор ташкил этилаётган танловда шаҳар ва туман босқичларида сараланган иштирокчилар орасидан "Йилнинг энг яхши тадбиркори", "Йилнинг энг яхши фермери" ва "Йилнинг энг яхши ҳунарманди" ҳамда қўшимча номинациялар ғолиблари аниқланди.

Янгийўл туманидаги мева-сабзавотни қайта ишлашга ихтисослашган "MASTER GLOBAL PLUS" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Одилжон Собиржонов "Йилнинг энг яхши тадбиркори" деб эътироф этилди.

– Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз турини кўпайтириб, иш ўринларини 200 тага етказиш режамиз бор, – дейди Одилжон Собиржонов. – Бу борада истиқболли лойиҳалар устида ишлаяпмиз. Ўйлаймизки, бугунги танлов эришаётган ютуқларимизни сарҳисоб қилиши баробарида навбатдаги мақсад ва марраларни белгилаб олишимизда жуда қўл келади.

Бекобод туманидаги "Бекобод қўрғони" кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари Исматилла Дадабоев "Йилнинг энг яхши фермери" номига муносиб топилган бўлса, "Йилнинг энг яхши ҳунарманди" йўналишида ғолиблик Юқори Чирчиқ туманилик Муроджон Ўрмоновга насиб этди.

Кўрик-танлов ғолибларига ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Бектош ИСМОИЛОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**

*Ўзининг кўрку таровати, нафосати, мазмун-моҳияти билан бунёдкорлик ва яратувчиликни, меҳр-мурувват ва ҳамжиҳатликни, умуман, ҳаёт абадийлигини ифодаловчи Наврўзи олам эшик қоқмоқда.*

Тадорик

## ЭЛНИ БИРЛАШТИРГАН БОҚИЙ АНЪАНА

Бутун мамлакатда бўлгани каби вилоятимизда ҳам мазкур айёмни кўтаринки руҳда кутиб олиш, катта шоду хуррамликда нишонлаш учун қизғин ҳозирлик кўрилаётир. Кўчалар, майдонлар, хиёбонларни тартибга келтириш, мевали ва манзарали дарахт ҳамда гул кўчатлари ўтказиш авжига чиқди. Зеро, юртимизда март-апрель ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги деб эълон қилинди. Ойлик доирасидаги тадбирларда вилоят аҳли, айниқса, ёшлар ҳамжиҳатликда ва фаол иштирок этишмоқда.

Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлимидан олинган маълумотларга кўра, ойлик доирасида 12-13 март кунлари ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашарида бир ярим миллиондан зиёд вилоятдошимиз иштирок этди. Уларнинг 900 мингдан кўпроғи ёшлардир. Ҳашар кунлари 6300 гектар майдонда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. 2600 километр узунликдаги ариқ-зовур ва лотоклар тозаланиб, 800 га яқин зиёратгоҳ ва қабристон тартибга келтирилди. 1600 дан ортиқ махсус техника ёрдамида қарийб ўн минг тонна маиший ва қурилиш чиқиндиси белгиланган жойларга чиқариб ташланди. Туражой массивлари ва маҳаллалардаги 1,5 миллионга яқин дарахтга шакл берилиб, оқланди. Қарийб 5 миллион туп мевали ва манзарали дарахт ҳамда гул кўчатлари экилди. Бу хайрли ишлар вилоят бўйлаб изчил давом эттирилаётир.

Давоми 2-бетда.

Маънавият

*Наврўз қандай байрам, унинг тарихи, истибдод замонларида бу миллий қадриятимиз қандай қатағонларга учрагани ю унга қанақа ҳужумлар уюштирилганини бирма-бир санаб ўтириш шарт эмас. Лекин шуни таъкидлаш лозимки, кўп минг йиллик ўтмиши давомида бу байрам юртимизда ҳеч қачон ҳозирги даражада кенг миқёсда умумхалқ байрами сифатида нишонланган эмас.*

## ЯХШИ ЙИЛ – НАВРЎЗИДАН МАЪЛУМ

Мустабидлик тузуми камситган қадриятларимизнинг дастлаб қайта тикланганларидан бири ҳам – айнан Наврўз.

Муҳтарам Ислом Каримов 1989 йилнинг 23 июнида Ўзбекистон раҳбари бўлди. Кейинги 1990 йилнинг баҳоридаёқ, мустабид тузум ҳукмрон бўлиб турганига қарамай, Ислом Каримов ташаббуси ва жасорати билан Ўзбекистонимизда Наврўз кенг нишонланди. Халқ буни жуда мамнуният билан қабул қилди. Орадан бир йил ўтиб, Республика Президентининг 1991 йил 12 февралдаги Фармонига биноан эса Наврўз умумхалқ байрами – дам олиш куни сифатида катта тантана қилинди.

Давоми 2-бетда.

## БАХТИМ ЎЗИНГ, ҒУРУРИМ ЎЗИНГ

*Ўлкамизда она табиатнинг сулув келинчаги – баҳоройнинг қутлуғ қадами билан бошланадиган шодиёналар давом этмоқда. Унинг илк кунларида нишонланган хотин-қизлар байрами аёлларимизга олам-олам шодлик бағишлади. Айниқса, баҳорга эгизак гўзал, зукко қизларимизнинг Президентимиз Қарорига мувофиқ адабиёт, санъат, фан, таълим, маданият соҳаларида эришган ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланиши мамлакатимизда ёш истеъдодларга кўрсатилаётган юксак эътиборнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди.*

Фахр

Қувонарлиси, республикамизнинг 14 нафар оқила, доно қизлари сафида вилоятимизнинг иқтидорли фарзанди – оҳангаронлик Зулҳаё Раимқулова ҳам бор. Ҳозир у Ўзбекистон Давлат консерваторияси "Мусиқашунослик, фортепьяно, академик хонандалик ва хор дирижёрлиги" факультетида 1-босқич талабаси. Зулҳаё Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан "Туркистон" саройида ўтказилган тантанали тадбирнинг юксак минбаридан туриб сўзлар экан, мамлакатимизда ёшларга, хусусан, истеъдодли қизларга кўрсатилаётган эътибор, ғамхўрлик ва рағбат учун чуқур миннатдорчилик изҳор этди.

– Болалигимдан отам Ҳикматилла Исроиловнинг фортепьянода чалган куйларини мароқ билан тинглар эдим, – дейди Зулҳаё. – Отам асли энергетика соҳасида ишлайди. Лекин санъатга ҳурмати баланд. Шунинг учун менинг қизиқишларимни қўллаб, Р. Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейига ўқишга берди. Устозларим ёрдамида эстрада ижрочилиги санъати сирларини пухта ўргандим. Илк муваффақиятларимда, аввало, отам-онам ва қолаверса, устозларимнинг маънавий рағбати катта бўлди. 2014 йилда лицейимизда ўтказилган академик хонандалар кўрик-танловида иштирок этиб 1-ўринни эгалладим. Шундан кейин "Ёш ижрочилар", "Ёш чолғучилар" танловларида ҳам совриндор бўлдим. Шунингдек, "Р. Глиэр асарларининг моҳирона ижрочиси" ёш ижрочилар танлов-фестивалида 1-даражали диплом билан тақдирландим. Айниқса, 2015 йилда Россияда бўлиб ўтган "Золотой феникс" – ("Олтин қақнус") халқаро танловида иштирок этиб, лауреат бўлганимда озод диёрим, ўзбек халқи санъатини чет элларда ҳам намойиш этаётганимдан беқиёс фахр-ифтихор ҳиссини туйдим.

Шу ўринда Юртбошимизнинг "...бугунги кунда мусиқа санъати навқирон авлодимизнинг юксак маънавият руҳида камол топишида бошқа санъат турларига қараганда кўпроқ ва кучлироқ таъсир кўрсатмоқда", деган сўзларини келтириш жоиз. Зеро, бугунги кунда мусиқа санъатини кенг ривожлантириш йўлида кўламли ишлар амалга оширилаётир. Натижада, Зулҳаё каби иқтидорли ёшларимиз, мусиқа санъати ихлосмандлари сафи тобора кенгаймоқда.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

# ЭЛНИ БИРЛАШТИРГАН БОҚИЙ АНЪАНА

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими умумхалқ ҳашари кунлари Оҳангарон, Қибрай, Зангиота, Бўка, Чиноз ва Юқори Чирчиқ туманлари ҳамда Чирчиқ шаҳридаги жами 25 та фуқаролар йиғинига 72 миллион сўмлик компьютер жамламалари ҳадя этди.

Вилоятнинг асосий байрам тадбири ўтадиган Юқори Чирчиқ туманидаги "Дўстлик" стадиони ҳамда бошқа шаҳар ва туманлардаги маданият ва истироҳат боғларида айёмни муносиб тантана қилиш учун барча қулайликлар яратилмоқда. Шодиёна кунлари аҳолига маданий, савдо ва бошқа хизматлар кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Байрам тадбирлари тинч-осойишта ўтиши, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кенг кўламли профилактик тадбирлар амалга оширилмоқда.

– Янгиланиш ва яшариш айёми, умумхалқ байрамини кўтаринки кайфият ва шоду хуррамликда ўтказиш учун пухта ҳозирлик кўрилмоқда, – дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Бекобод туман бўлими бошлиғи Р. Шерматов. – Тумандаги чегара ҳудудларида жойлашган маҳаллаларда барқарорликни сақлаш, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳамкор идоралар билан махсус профилактик тадбирлар ўтказилмоқда.

– Байрам байрамдек ўтиши учун барча чораларни кўраяпмиз, – дейди Оҳангарон тумани ҳокимлиги масъул ходими Диёр Алимов.

Бошланиши 1-бетда.



– Ҳашар кунлари қишлоқ ва маҳаллаларимиз, кўча-гузарлар тартибга келтирилди, ариқ ва зовурлар тозаланди. Таълим, тиббиёт, спорт, маданият муассасалари атрофига манзарали ва мевали дарахт кўчатлари экилди.

**Бахтиёр ШАВКАТОВ.**

*Тошкент вилояти сайлов комиссияси*

*ҚАРОРИ*

## Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашида бўшаб қолган ўринларга сайланган депутатларни рўйхатга олиш тўғрисида

"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11, 41, 44, 45, 46-моддаларига мувофиқ Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи Вилоят сайлов комиссияси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. 2016 йил 13 мартда Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашидаги бўшаб қолган ўринларга депутатлар сайлови ўтган деб ҳисоблансин.

2. Сайлов жараёнларида овоз бериш натижалари тўғрисидаги 27-"Келес", 33-"Дўстобод" ҳамда 58-"Ниёзбош" округ сайлов комиссиялари баённомаларига асосан қуйидагилар Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига депутат этиб рўйхатга олинсин:

| № | Депутатнинг фамилияси исми ва шарифи | Туғилган йили | Партиявийлиги | Иш жойи ва лавозими | Турар-жойи | Қайси сайлов округидан сайланган |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | **АБДУЛЛАЕВ** Содиқ Сабитович | 1967 | ЎзХДП аъзоси | Тошкент вилояти ҳокими | Тошкент шаҳри | 27-Келес сайлов округи |
| 2 | **КАСИМОВ** Аваз Ахралович | 1951 | "Адолат" СДП аъзоси | Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, "Авесто-Шамс" масъулияти чекланган жамияти раҳбари | Тошкент шаҳри | 58-Ниёзбош сайлов округи |
| 3 | **ЭРМУХАМЕДОВА** Кифоят Мансуровна | 1970 | "Адолат" СДП аъзоси | Қуйи Чирчиқ тумани ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси | Тошкент вилояти, Зангиота тумани | 33-Дўстобод сайлов округи |

**Вилоят сайлов комиссияси раиси У. АБДУШОҲИДОВ.**

Тошкент шаҳри, 2016 йил 13 март.

# БЕБАҲО НЕЪМАТ ҚАДРИ

*"Юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлашга ҳар биримиз масъулмиз". Шу мавзудаги давра суҳбати Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши ташаббуси билан ташкил этилди.*

### Агар огоҳ сен...

Партиянинг туман, шаҳар кенгашлари раҳбарлари, вилоят ички ишлар бошқармаси масъул ходимлари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вакиллари ва олимлар иштирокидаги тадбирда терроризм, диний экстремизм ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши курашиш, ёш авлодни тўғри тарбиялаш, уларда зарарли иллатларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш, эртамиз давомчиларини бугуннинг долзарб муаммоларидан бири бўлган "оммавий маданият" таъсиридан ҳимоя қилиш зарурлиги ҳақида сўз борди.

– Инсон учун энг бебаҳо неъмат тинчлик, хотиржамликдир, – деди вилоят ИИБ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими раҳбари Зиёдулла Раҳимов. – Глобаллашув жараёнида Ватанимиз тинчлигини ва мустақиллигини асраб-авайлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз. Шундай экан, ёшларимизни оқил ва баркамол этиб тарбиялашда ота-оналар, ўқитувчилар, маҳалла, қолаверса, кенг жамоатчилик вакиллари бирдек масъул бўлмоқлари лозим.

Тадбир сўнгида адашган кимсалар фожиасини акс эттирувчи фильм намойиш этилди.

**Наргис ҲАСАНОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

# ФИДОКОРЛИК САБОҚЛАРИ

*Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг мамлакатда тинчлик ва барқарорликни, фуқароларнинг тинч-осойишта ҳаётини, шу билан бирга давлатимизнинг мудофаа қудратини таъминлашдаги хизмати беқиёс. Улар туфайли юртимиз обод, турмушимиз фаровон.*

Бўстонлиқ туман ҳокимлиги, ҳарбий қисм шахсий таркиби ва бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида тумандаги 18-мусиқа мактабида маънавий-маърифий тадбир уюштирилди. "Оилада соғлом муҳитни яратиш ва уни ташқи салбий таъсирлардан ҳимоя қилиш муҳим вазифамиз" мавзуидаги давра суҳбатида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг умр йўлдошлари, шунингдек, тизимда меҳнат қилаётган аёлларнинг эл тинчлиги ва осойишталиги йўлидаги фидокорлиги алоҳида эътироф этилди.

Тадбирдан ўрин олган "Маҳорат мактаби" синовларида фаол иштирок этган ҳарбийлар ва уларнинг оилаларига ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари, китоблар жамланмалари топширилди.

**Сайёра ЭШМАТОВА.**

### Муносабат

*Мамлакатимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити туфайли нафақат марказларда, балки қишлоқ жойларда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал равнақ топаяпти.*

# ҲАЁТИЙ МАҚСАДЛАР РЎЁБИ

Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мамлакатимизда тадбиркор ва ишбилармонларга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир юксак намунасидир, десак асло хато бўлмайди.

Ҳозир жумлаи жаҳон молиявий инқирозининг салбий таъсиридан қутула олмай, рақобат деганлари кун сайин кучайиб бораётган бир пайтда тадбиркорнинг унишидан синиши осонроқ. Шундай бир шароитда, ваколатли идораларнинг ҳеч бир асоссиз "текшир-текшир"ларига барҳам бериш, айниқса, ишлаб чиқаришда сув ва ҳаводек зарур бўлган энергетика ресурслари таъминотида барқарорликни таъминлашнинг аҳамияти беқиёсдир. Бинобарин, юқоридаги Фармон худди мана шу ва шу қаби кўплаб муҳим жиҳатларни кўзда тутиши билан аҳамиятлидир.

Эндиликда назорат қилувчи органлар томонидан микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари фаолиятига доир барча режали текширувлар кўпи билан тўрт йилда бир марта, бошқа хўжалик юритувчи субъектларда эса кўпи билан уч йилда бир марта мувофиқлаштирувчи кенгаш қарорига асосан амалга оширилмоқда. Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига ноқонуний аралашиш, тўсқинлик қилиш, режадан ташқари текширувлар сонининг ортиб кетиши учун жавобгарликнинг кучайтирилиши мулкдорлар манфаатларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминловчи муҳим қадамдир.

Ўз навбатида, буларнинг барчаси зиммамизга катта масъулият юклайди. Бинобарин, тадбиркорликнинг ишончли ҳимояси эл-юртимиз фаровонлиги, мамлакатимиз тараққиётининг бош мезонидир.

**Жаҳонгир БОЙБОЕВ,**
**"Ўздавнефтгазинспекция" ҳудудий бўлими бош мутахассиси.**

### Дарвоқе...

*Юртимиз бўйлаб катта байрам шукуҳи кезиб юрган шу кунларда, кўп қатори биз, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг ҳам зиммасидаги масъулият ҳисси янада ортиши табиий. Негаки, халқимизнинг асрий удум ва анъаналарини ўзида мужассам этган баҳор айёмининг тинч ва осойишта, бехатар ўтишини таъминлаш барчамизнинг бирламчи вазифамиздир.*

# Бир лаҳза ва бутун умр

Биласиз, ёнғинлар энг аввало, бепарволик оқибатидир. Таҳлилларга қараганда, айни пайтда юзага келаётган аянчли ҳолатларнинг аксарияти хонадонларда электр ва газ ускуналаридан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик, болаларни қаровсиз қолдириш билан боғлиқ кечаяпти.

Қолаверса, баҳорнинг тез ўзгарувчан об-ҳавоси ҳам қайсидир маънода ёнғин офатларининг бир қадар кўпайишида омил бўлиши мумкин. Масалан, баҳорнинг танага хуш ёқувчи илиқ-иссиқ кунлари кутилмаганда совиб кетади ва бундай ҳолатларда айрим хонадонларда, корхона ва ташкилотларда махсус иситиш тизимлари ўрнига ҳеч қандай мувофиқлик текширувидан ўтказилмаган, қўлбола электр иситиш анжомларидан фойдаланилади. Энг ачинарлиси, мана шундай ускунлардан фойдаланилганда ҳушёр бўлиш, лоқайдликка берилмаслик лозимлиги ҳамиша ҳам хаёлимизга келавермайди.

Биз, соҳа ходимлари орасида "Олов – лоқайдликни кечирмайди", деган гап бор. Шундай экан, яқинларимиз ва жондан азиз фарзандларимизни, қолаверса, мол-мулкимизни хатарга қўйиб, бепарволик қилмайлик. Лаҳзалик лоқайдлик бутун умрга татийдиган кўргилик олиб келиши мумкинлигини унутмасак бас.

**А. ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**26-ХЁХҚ кичик инспектори.**

Холбуки, беш-олти йил олдин бу байрамга қарши кураш борган. Ҳатто, айрим зиёлиларимиз матбуотда чиқиш қилиб, унинг ўрнига апрель ойининг бошида "Навбаҳор" деган янги байрам жорий этиш таклифини ҳам билдирган эди. 1985 йили Наврўзга қарши кураш шу даражага етдики, натижада сунъий равишда 1 апрель – Навбаҳор байрами тарзида нишонланди.

Бундан ҳар қанча кўз юммайлик, тарих тарихлигича қолади. Ахир, ўша пайтдаги матбуот нашрлари архивларимизда турибди-да.

Аслида, жорий этилишига кўра, Наврўзнинг сиёсатга, мафкурага, динга бевосита алоқаси йўқ. У – соф табиат байрами. Шу билан бирга, у шарқона, минтақавий, ўта миллий байрам. Айнан ана шу – миллий бўлгани учун ҳам эски тузум ва унинг ҳукмрон мафкураси уни чеклади. Чунки шўро сиёсати мустамлака миллатларнинг эркин равнақ топишини сира-сира истамас эди. Наврўзга ҳужум моҳиятан миллатга ҳужум эди.

Бироқ халқ – халқ-да. У собиқ тузум даврида ҳам Наврўзни байрам қилаверди. Фақат энди бу давлат миқёсида қўллаб-қувватланмади, ҳар ким уни ўз-ўзича, тазйиқ бўлган маҳалларда, ҳатто, у хонадонларда яширинча нишонланди.

Бу байрамнинг табиатга чамбарчас боғлиқлиги шундаки, бир йилда кун ва туннинг ўзаро нисбати билан боғлиқ тўрт нуқта бўлса, шунинг биринчиси – Наврўз. Бу кун билан туннинг ўзаро тенг келган маҳалини нишонлаш. 21 мартда айнан бир кеча-кундузнинг нақд 12 соати – ёруғ, қолган 12 соати – қоронғи бўлади. Бу "баҳорий эътидол" (яъни "баҳорий тенгкунлик") дейилади.

Наврўздан эътиборан энди куннинг ҳиссаси ортиб, туннинг улуши эса қисқариб бораверади. Бу жараён то 21 июнгача давом этади. Бунда энди кун – энг узун, тун – энг қисқа бўлиб қолади.

21 сентябрга бориб, яна кун билан тун тенглашади. Бу "кузги эътидол" дейилади. Бунинг Наврўздан фарқи шундаки, энди ҳар куни туннинг ҳиссаси ошиб, куннинг улуши камайиб бораверади.

21 декабрда йилнинг энг узун кечаси ва куннинг энг қисқаси бўлади.

Ҳозир одамлар турмуш ташвишлари, техника воситалари билан кўпроқ банд бўлиб, табиатнинг бундай эврилишларига анча бефарқ бўлиб қолгандек.

Бошланиши 1-бетда.

Ҳар ким ўз юртининг табиатига меҳр қўяди. Она замин табиатига меҳр эса Ватанга муҳаббатни янада мустаҳкамлайди. Табиат уйғонишини, янги йилнинг киришини бунчалар тантана билан нишонлаш, албатта, киши кайфиятини кўтариб юборади.

Кўтаринки кайфият одамнинг яшашга иштиёқини, завқини оширади, ҳаётга муносабатини фаоллаштиради, яратувчилик ишқини жўш урдиради.

Наврўзни, ана шундай қудратга эга байрам, деб биламиз.

Манбалар Наврўзнинг камида

# ЯХШИ ЙИЛ – НАВРЎЗИДАН МАЪЛУМ

тўрт минг йиллик тарихи борлигидан далолат беради. Кўриниб турибдики, Наврўз асрлар мобайнида муқаддас миллий қадриятларимиздан бирига айланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида "халқимиз учун энг азиз ва энг миллий байрам – шарқона янги йил бўлмиш Наврўз"га айнан "маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонлар"дан бири сифатида қаралади ҳамда бу айёмни нишонлашнинг аҳамияти ёрқин ифодалар орқали кўрсатиб берилади: "Мухтасар қилиб айтганда, янгиланиш ва эзгулик тимсоли бўлган Наврўз фалсафаси халқимизга мансуб одамийлик, меҳр-оқибат, мурувват ва ҳиммат каби юксак хусусиятлардан озиқланиб келгани, аждодларимиз асрлар давомида қандай буюк умуминсоний ғоялардан баҳраманд бўлиб, маънавий камол топганининг яна бир тасдиғидир, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди".

Наврўз – Шарқнинг биз ҳам дохил бўлган муайян ҳудудларида нишонланадиган минтақавий байрам. Бироқ у тобора кенг ёйилиб, халқаро миқёс кашф эта бораяпти. Бежиз эмаски, 2009 йили Наврўз ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий маданий мероси рўйхатидан жой олган эди. 2010 йили эса БМТ Бош Ассамблеясининг 64-сессиясида "Наврўз халқаро куни" деган резолюция қабул қилинди.

Яхши инсон кўзидан, яхши йил Наврўзидан маълум, дейдилар. Кўкламнинг серфайз, хушҳаво ташрифидан кўриниб турибди, бу йил халқимиз учун янада баракали, хосиятли бўлади.

**Султонмурод ОЛИМ,**
**вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти профессори вазифасини бажарувчи.**

# ҲОКИМ ҚАРОРИ БЕКОР ҚИЛИНДИ

*Вилоят прокуратураси органлари мурожаатларни кўриб чиқиш жараёнида аниқланган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш ва фермерларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга қатъиятлик билан ёндашмоқда.*

### Қонун ҳимоясида

Жумладан, "Норхўжа Зарбдор Нур" фермер хўжалиги раҳбари Г. Абдураззоқованинг ер майдонини туман ҳокимлиги ноқонуний олиб қўйганидан норози бўлиб ёзган мурожаати кўриб чиқилди. Аниқланишича, Оҳангарон тумани ҳокимининг 2015 йил 2 мартдаги 153-сонли қарори билан фермер хўжалиги фойдаланувидаги 7,6 гектар ер туман захирасига қайтариб олинган.

Туман ҳокимининг ушбу қарори фермернинг 6,8 гектар ерни давлат захирасига тўлиқ олиш хусусида аризаси ёки хўжалик судининг қарори бўлмаса-да, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 январдаги 22-сонли қарори билан тасдиқланган "Фермер хўжалигининг ер майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 4, 13-бандлари ва "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонуннинг 32-моддасига зид равишда қабул қилинганлиги аниқланди.

Текшириш чоғида туман ҳокимининг юқоридаги қарори қонунга зид бўлгани учун келтирилган протестга асосан бекор қилинди.

**У. КАРИМОВ,**
**вилоят прокуратураси бўлим прокурори.**

# ПУЛЛИК ХИЗМАТДАН ТЕКИН МАСЛАҲАТГАЧА

### Қулайлик

*"Агро хоус" масъулияти чекланган жамияти қишлоқ хўжалигига янги инновацион технологияларни олиб кириш, соҳани янада ривожлантириш, деҳқон ва фермерлар меҳнатини енгиллаштириш мақсадида дўкон очди. Зангиота туманининг Ҳасанбой қишлоғида иш бошлаган дўконда ерни экишга тайёрлаш ва уруғ қадашдан тортиб, ҳосил етилгунга қадар керак бўладиган барча зарур воситалар сотуви йўлга қўйилди.*

Европа давлатларидан келтирилган турли мева, сабзавот ва гул уруғлари, манзарали гул кўчатлари, улар учун минерал ўғит, кимёвий дори ва пестицидлар, шунингдек, ер ҳайдаш, тупроқни майдалаш, эгат олиш, экиш ишларини бажарувчи мини трактор, томчилатиб суғориш ускунаси, иссиқхона учун анжомлар, пуркагичлар харидорларга манзур бўлаяпти.



– Халқимиз "Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлар" дея бежизга айтмаган, – дейди "Мираҳмад миришкор" фермер хўжалиги раҳбари Улуғбек Тоҳиров. – Дўкондаги техника ва асбоб-ускуналар кўпчиликни қизиқтириб қўйди. Айниқса, ҳарорат, намлик ва тупроқдаги ишқор миқдорини ўлчайдиган замонавий асбоблар ҳамма учун керак.

Эътиборлиси, дўконда мутахассисларга ўзингизни қизиқтирган савол билан мурожаат қилишингиз мумкин. Маслаҳатчи ҳосилотлар ҳар бир уруғ, уларни экиш тартиби, қандай шароитларга яхши мослашиши, ишлатиладиган минерал ўғитлар ҳақида керакли маълумотларни берадилар.

**Нозима РАСУЛОВА,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

*Тузуккина ташкилотда ишлайман. Маошим ҳам яхши-ю, баъзан вақтида беришмайди. Аслида, маош бериш вақти қонунда кўрсатилганми? Кечиктирилгани учун чора кўриладими?*

**Н. Эшонқулова, Бўка тумани.**

## ОЙЛИК МАОШ КЕЧИКТИРИЛСА...

Иш ҳақи ва бошқа тўловларнинг тўланмаслиги фуқаронинг конституциявий ҳуқуқлари бузилиши ҳисобланади. Фуқароларнинг конституциявий манфаатлари ҳимояланишини таъминлаш, иш ҳақи ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши учун хўжалик юритувчи субъектларнинг жавобгарлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг "Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинган. Унинг 3-бандига кўра, вазирлик, идора, хўжалик бирлашмалари, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ходимларга иш ҳақи ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши учун шахсан жавоб берадилар.

Меҳнат кодексининг 161-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари жамоа шартномаси ёки бошқа ички норматив ҳужжатда белгиланади. У ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмас. Ҳақ тўланадиган кун дам олиш куни ёки байрам кунига тўғри келиб қолса, меҳнат ҳақи шу кун арафасида тўланади. (Меҳнат кодексининг 161-моддаси иккинчи қисми). Иш берувчи ҳар бир ходимни тегишли даврда унга тўланадиган иш ҳақининг таркибий қисмлари, ушлаб қолинган пул миқдорлари ва уларнинг асослари, шунингдек, тўланадиган умумий пул суммаси тўғрисида мажбурий тартибда ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

❏ Сўраган эдингиз

## «СУЮНЧИ»НИ КИМ БЕРАДИ?

*Яқинда она бўламан. Эшитишимча бола туғилганида "суюнчи пули" берилар экан. Уни қаердан оламан?*

**Э. Раҳматова, Қуйи Чирчиқ тумани.**

Бола туғилганида бериладиган нафақа Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган "Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги низом билан тартибга солинади. Унга кўра, бир марталик нафақа республикамиз ҳудудида белгиланган энг кам иш ҳақининг икки баробари миқдорида берилади. Ишлаётган ҳамда ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олий, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида, магистратура, аспирантура, клиник ординатура, докторантурада таҳсил олаётганларга тегишлича иш ёки ўқиш жойи орқали тўланади. Ишламайдиган ва ўқимайдиган ота-оналар эса, "суюнчи пули"ни пенсия жамғармасининг ҳудудий бўлинмаларидан олишлари мумкин.

**Саволларга ТДЮУ ўқитувчиси Зарина Исмоилова жавоб берди.**

## ОТА-ОНАЛИК ҲУҚУҚИ

*Ўзбекистон Республикасининг "Оила кодекси"да ота-оналик ҳуқуқи қандай белгиланган?*

**Г. Мамедова, Бекобод тумани.**

Ўзбекистон Республикасининг "Оила кодекси"да ота-оналик ҳуқуқи ва мажбуриятлари аниқ ифодалаб берилган. Жумладан, кодекснинг 71-моддасида шундай дейилади: "Ота-она ўз болаларига нисбатан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар". Бобда назарда тутилган ота-оналик ҳуқуқлари болалар ўн саккиз ёшга тўлганларида (воягa етганда), шунингдек, қонун билан белгиланган бошқа ҳолларда бўлганларида тугайди.

Булардан ташқари, кодексда ота-онанинг болаларга таълим-тарбия беришга оид ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам кўрсатиб ўтилган. Жумладан, 73-моддада шундай дейилади: "Ота-она ўз болаларини тарбиялаш ҳуқуқига эга ва тарбиялаши шарт".

Ота-она ўз болаларининг тарбияси ва камолоти учун жавобгардир. Уларнинг соғлиги, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишлари зарур.

Ота-она ўз болаларини тарбиялашда бошқа барча шахсларга нисбатан устун ҳуқуққа эга.

**Саволга Юқори Чирчиқ тумани ФҲДЁ бўлими мудираси Феруза МУСАЕВА жавоб берди.**

*Ирода НОРБОЕВА тайёрлади.*


ИЖТИМОИЙ РЕКЛАМА

## СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 189-моддасига асосан **жисмоний шахслар 2015 йил давомида олган:**

мулкий даромадлари, агар бу даромадларга тўлов манбаида солиқ солинмаган бўлса,

фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ҳамда улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи тариқасида олинган даромадлари;

асосий бўлмаган иш жойидан олинган моддий наф тарзидаги даромадлари;

икки ёки ундан кўп манбадан олинган даромадлари;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлари ҳамда солиқ агентлари бўлмаган манбалардан олинган даромадлари юзасидан **2016 йилнинг 1 апрелидан кечиктирмасдан** жами йиллик даромадлари тўғрисида декларация тақдим этишлари лозим.

Жисмоний шахслар жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларацияни доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига:

шахсан ташриф буюрган ҳолда ёки ишончли вакил орқали;

почта хизматидан фойдаланиб, буюртма хат орқали;

Давлат солиқ қўмитасининг расмий www.soliq.uz сайтидаги "Электрон солиқ декларациялари" интерактив хизматидан фойдаланган ҳолда электрон шаклда тақдим этишлари мумкин.

Жисмоний шахслар жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларацияни тақдим этмаслик, ўз вақтида тақдим этмаслик ёки унда атайин нотўғри маълумотларни тақдим этиш Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 174-моддаси 3-қисмига асосан жарима солишга сабаб бўлади.

**Шундай экан солиқ декларацияларини 1 апрелдан кечиктирмай топширишни унутманг!**

***ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ.***







## Журналистика соҳасида «Олтин қалам» XI Миллий мукофоти учун халқаро танловда халқаро ва миллий ҳамкорларнинг рағбатлантирувчи мукофотлари номинациялари

1. ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколотхонаси – "Орол денгизи ҳудудининг барқарор ривожланишида хотин-қизларнинг роли".
2. БМТнинг ахборот офиси – "Энг яхши ёшлар интернет нашри".
3. "Ҳудудий мулоқат" (Словения) – Қонун устуворлиги ёритилган энг яхши материаллар учун".
4. ЮСАИД – "Сил касаллигига қарши кураш масалалари ёритилган энг яхши материаллар учун"
5. Германия Халқ университетлари DVV International халқаро ассоциациясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси – "Катталарни ўқитиш ва таълим бериш соҳасида ОАВдаги энг яхши материал учун"
6. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши – 2 та номинация;

а) "Соғлом она ва бола йили" мавзуидаги энг яхши материал учун.

б) "Ижтимоий шериклик мавзуидаги энг яхши материал учун".

7. Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш Жамоат фонди – 2 та номинация:

а) "Кексаларини эъзозлаш йили"Давлат дастури ижросини кенг ва самарали ёритгани учун;

б) "Энг яхши таҳлилий-танқидий материал учун".


## "VIP REAL ESTATE" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

2016 йил 20 апрель куни соат 15.00 да мулкнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириш тартибида ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдосига қуйидаги дарахтлар ва уларга бўлган ҳуқуқлар қўйилмоқда:

- "ULUG`BEK NURAKOV JALOLQOSIM" фермер хўжалигига қарашли Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Бўз-сув ҚФЙ ҳудуди 4-лойиҳа бўйича 6 га ер майдони участкасида жойлашган, бошланғич баҳоси 10 050 000 сўм бўлган, 296 туп янги олхўри кўчатлари, 287 туп 12 диаметргача олхўри, 259 туп 16 диаметргача олхўри, 75 туп 20 диаметргача олхўри, 41 туп 12 диаметргача олма, 33 туп 12 диаметргача шафтоли, 9 туп 12 диаметргача гилос, 8 туп 16 диаметргача гилос дарахтлари;
- "ABDURAXMONOV ABDURASHID" фермер хўжалигига қарашли Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Бўз-сув ҚФЙ ҳудуди, 8-лойиҳа бўйича 12,12 га ер майдони участкасида жойлашган, бошланғич баҳоси 25 000 000 сўм бўлган, 320 туп 1 йиллик олхўри кучати, 700 туп 5 йиллик олхўри, 4000 туп 5 йиллик узум кўчатлари, 1 200 дона бетон устун, 78 кг (1000 м) сўм;
- "ABDURAXMONOV ABDURASHID" фермер хўжалигига қарашли Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Бўз-сув ҚФЙ ҳудуди 7-лойиҳа бўйича 5,82 га ер майдони участкасида жойлашган, бошланғич баҳоси 2 800 000 сўм бўлган 500 туп 5 йиллик олхўри, 300 туп 5 йиллик олма дарахтлари.

Мазкур дарахт, кўчатлар ва уларга бўлган ҳуқуқлари сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2016 йил 27 апрель ва ҳар ҳафтанинг чоршанба кунлари соат 15.00 да ўтказилади. Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уйда, савдо ташкилотчисининг савдолар залида ўтказилади. Аукцион савдоси ғолиби мулкнинг сотиб олиш баҳосидан ташқари "Савдо ташкилотчиси"га сотув нархининг 5 (беш) фоиз миқдорида комиссион йиғим тўланиши лозим. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 15.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузиладиган закалат келишувига асосан объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўловни савдо ташкилотчисининг АТБ "InfinBANK"даги МФО 01041, ИНН 302681189, 20208000600250595001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: Аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Тел.: (0595) 143-0-143, e-mail: info@realtors.uz, www.realtors.uz.

Лицензия рақами RR 0173.



## «СУВСОЗ» ДУК қошидаги «MUSAFFO OBI HAYOT» МЧЖ

Тошкент вилоятининг Қибрай ва Зангиота туманларида шаҳар ичимлик сувидан истеъмол қилаётган абонентларга 2016 йил 1 апрелдан бошлаб ичимлик суви ва оқова сувларининг ягона нархлари қуйидагича белгиланди:

| | |
|---|---|
| **Аҳоли учун:** | |
| Ичимлик суви 1 м³ | – 230,00 сўм |
| Оқова хизмати 1 м³ | – 130,00 сўм |
| **Юридик корхоналар учун:** | |
| Ичимлик суви 1 м³ | – 700,00 сўм (+20% ҚҚС) |
| Оқова хизмати 1 м³ | – 262,00 сўм (+20% ҚҚС) |
| **Бошқа улгуржи истеъмолчилар учун:** | |
| Ичимлик суви 1 м³ | – 230,00 сўм (+20% ҚҚС) |
| Оқова хизмати 1 м³ | – 130,00 сўм (+20% ҚҚС) |
| **Бюджет корхоналар учун:** | |
| Ичимлик суви 1 м³ | – 230,00 сўм (+20% ҚҚС) |
| Оқова хизмати 1 м³ | – 130,00 сўм (+20% ҚҚС) |



## "REAL AUKSION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига: I. Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани суд ижрочилари бўлими томонидан: 1. 13.08. 2013 йилдаги 1-466/13-сонли ижро ҳужжатига асосан: Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани Йўнғичқоли ҚФЙ, 2-бўлим манзилида сақланаётган: 1979 йилда и/ч., дав/рақ: 10N193HA, бошланғич баҳоси - 5 831 013 сўм бўлган "ВАЗ-2102" русумли; 2. 17.09.2014 йилдаги ижро ҳужжатига асосан хатланган, Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани, Қорасув ҚФЙ манзилида сақланаётган: бошланғич баҳоси - 22 222 458,87 сўм, и/ч., 2004 дав/рақ: 10V246KA бўлган, "Нексия" русумли автотранспорт воситаси савдога такроран қўйилмоқда. II. Тошкент вилояти Бўка тумани суд ижрочилари бўлими томонидан: Тошкент вилояти Бўка тумани, Асамайли ф/у манзилида сақланаётган: 20.05.2015 йилдаги 3026-сонли ижро варақасига асосан: 2009 йилда и/ч., дав/рақ: 10R391FA, бошланғич баҳоси - 28 000 000 сўм бўлган "ДАМАС" русумли автотранспорт воситаси аукцион савдосига такроран қўйилмоқда. III. Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан: Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳар ИИБ жарима майдонида сақланаётган: 1. 18.03.2014 й. 6416-сонли ижро ҳужжатига асосан: 2006 йилда и/ч., дав/рақ: 10E454CA, бошланғич баҳоси - 6 642 166 сўм бўлган, "ВАЗ-21150" русумли техник носоз; 2. 02.06.2014 й. 10565-сонли ижро ҳужжатига асосан: 1982 йилда и/ч., дав/рақ: 10A468JA, бошланғич баҳоси - 3 160 956 сўм бўлган, "ВАЗ-2106" русумли техник носоз; 3. 02.06.2014 й. 10564-сонли ижро ҳужжатига асосан: 1980 йилда и/ч., дав/рақ: 10L602CA, бошланғич баҳоси - 2 603 438 сўм бўлган, "ВАЗ-21011" русумли техник носоз; 4. 23.01.2014 йилдаги 1849-сонли ижро ҳужжатига асосан: 1977 йилда и/ч., дав/рақ: 10W8556, бошланғич баҳоси - 1 450 757 сўм бўлган "Ваз-2101" русумли техник носоз; 5. Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳар, "Савдо" МЧЖ омборида сақланаётган: 11.02.2013 йилдаги 433-сонли ижро ҳужжатига асосан: 1985 йилда и/ч., дав/рақ: 6981 ТША, бошланғич баҳоси - 380 638 сўм бўлган "Урал" русумли техник носоз; 6. 25.05.2010 й. 7576-сонли ижро ҳужжатига асосан: и/ч. йили номаълум, дав/рақ: йўқ бўлган, бошланғич баҳоси - 461 322 сўм бўлган, "Урал" русумли техник носоз; 7. 19.05.2010 й. 3344-сонли ижро ҳужжатига асосан: и/ч. йили номаълум, дав/рақ. йўқ бўлган, бошланғич баҳоси - 447 059 сўм бўлган, "Урал" русумли техник носоз; 8. 19.05.2010 й. 3344-сонли ижро ҳужжатига асосан: и/ч. йили номаълум, дав/рақ. йўқ бўлган, бошланғич баҳоси - 447 078 сўм бўлган, "Урал" русумли техник носоз мотоцикл ва автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2016 йил 31 март куни соат 11:00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача) аукцион бошланишидан бир кун олдин (аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 31 март куни ўтказиладиган савдоларига 2016 йил 29 март соат 16.00 гача) тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "REAL AUKSION" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104996600001, МФО 01101, ИНН 302370235. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М.Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13.

Гувоҳнома № 006795.

Интилиш

*Болалар спортини ривожлантириш мақсадида жойларда янги спорт иншоотлари қурилиб, мавжудларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб бораётгани кўплаб ўғил-қизларнинг ўзлари қизиққан спорт турлари билан тўлақонли шуғулланишларига замин яратмоқда.*

## «КАМОЛОТ» ТУҲФАСИ

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Паркент туман кенгаши ташкил этган спорт клубининг кенг ва ёруғ заллари ҳам замон талабларига мос.

– Ҳозир клубимизда туман кенгаши қошидаги ҳамда ижтимоий хизматлар марказининг спорт тўгараги ўқувчилари шуғулланишмоқда, – дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Паркент туман кенгаши раиси Васпиддин Ҳусниддинов. – Бу ерда спортнинг стол тенниси, шахмат, шашка ва фитнес турлари бўйича машғулотлар ташкил этилган. Шунингдек, машғулотлар доирасида ўтказилаётган мусобақалар ҳам ўқувчи-ёшлар учун чинакам маҳорат сабоғи бўлмоқда.

**Муқаддас ИСРОИЛОВА.**
**Мансур НАХАЛОВ олган сурат.**



Тақдимот

## ЭЗГУЛИК МАНЗАРАЛАРИ

*Тошкент Фотосуратлар уйида "Ассалом, Наврўз!" деб номланган кўргазма очилди*



*Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.*

Ўзбекистон Бадиий академияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазманинг очилишида турли вазирлик ва идоралар, хорижий давлатлар элчихоналарининг вакиллари, мусаввирлар, фотоижодкорлар, фото санъати ихлосмандлари иштирок этди.

Ўзбекистон Бадиий академияси раиси А. Нуриддинов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш, маданият ва санъатни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Кўргазмада намойиш этилаётган фотосуратларда юртдошларимиз ҳаёти, Ватанимиз табиати, тинч ва осойишта турмушимиз, обод ва фаровон шаҳару қишлоқларимиз, турли неъматлар билан тўкин бозорларимиз кўриниши акс эттирилган.

Наврўз байрамига бағишланган фотокўргазмадан кўзланган асосий мақсад миллий анъана ва қадриятларимизнинг мазмун-моҳиятини фото санъати орқали ихлосмандларга етказиш, яшариш ва янгиланиш байрамига оид суратларни томошабинлар эътиборига ҳавола қилишдан иборат.

Кўргазмада Ўзбекистондаги хорижий давлатлар элчихоналари вакиллари томонидан тақдим этилган фотосуратлар, Абдуғани Жумаев, Рустам Шарипов, Канаки Станислав, Владимир Шлосберг, Сарвар Ўрмонов, Аъло Абдуллаев сингари фотоусталар олган суратлар томошабинларга тақдим этилган.

**Ш. МАМАТУРОПОВА,**
**ЎзА мухбири.**

*"Шарқ аёли" халқаро аёллар жамоат фонди 1999 йилда иш бошлаб, "Ривожланган фуқаролик жамияти учун инновациялар" концепцияси асосида истиқболли лойиҳаларни амалга ошираяпти. Давлат дастурлари асосида режалаштирилиб, мамлакат тараққиётини юксалтиришга хизмат қилаётган ушбу лойиҳаларнинг аксарияти аёллар фаоллигини оширишга қаратилган.*

## Эрта ташхис, самарали даво

Соғ бўлинг!

– Аёллар саломатлигига алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас, – дейди фонд раҳбари Саодат Турсунбоева. – Негаки, соғлом онадан соғлом бола дунёга келади. Ҳар томонлама соғлом авлод эса жамият барқарорлигини таъминлайди.

Аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, айниқса, уларда учраётган ўсма касалликларининг олдини олиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, бугунги кунда ўсма касалликлари бутун дунё ҳамжамиятини ташвишлантирмоқда. Хусусан, аёлларда учрайдиган бачадон бўйни саратони жиддий хавф солаяпти. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, ҳар 2 дақиқада бир аёл шу касаллик сабаб дунёдан кўз юмади. Йилига эса, 500 минг шундай бемор рўйхатга олинар экан.

Олимлар бу хасталикка юқумли вируслар сабаб бўлишини исботлашган. Нобель мукофоти совриндори Харалд Зур Хаусен 1983 йилда аввал учрамаган папиломавирус ДНКсини аниқлади. Папиломанинг 200 дан зиёд тури фанга маълум бўлиб, 40 дан ортиғи жинсий аъзоларга зарар етказади. Шунинг учун аёлларга 25 ёшдан бошлаб кетма-кет 2 йил, кейинчалик ҳар 3 йилда бир марта скрининг текширувидан ўтиш тавсия этилади. Мутахассислар бу касалликнинг олдини олиш чоралари кўрилмаса, 2050 йилга бориб, у йилига 1 миллион аёлнинг ёстиғини қуритиши мумкинлигини таъкидлашмоқда.

Фонд мутахассислари бу борада махсус қўлланма ишлаб чиқишди. Ҳозир шу қўлланма асосида аёлларни тез, арзон ва қулай усулда кўрикдан ўтказиб, ўсма касалликларининг олдини олиш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

– Тиббиёт академияси аспирантурасида ўқиётганимда худди шу касалликнинг эрта диагностикасига оид илмий иш қилдим, – дейди фонднинг лойиҳа раҳбари Сурайёхон Жалилова. – Кўплаб манбаларни ўқиб, касалликни текшириш, олдини олиш ва даволашнинг оддийгина йўллари борлигини билдим. Шахсий гигиена қоидаларига риоя қилмаслик орқали юқувчи инфекциялар, чекиш, А, С витаминлари етишмаслиги, туғуруқ жароҳатлари каби омиллар касаллик ривожланишига сабаб бўлади. Ушбу саратонни даволаса бўлади, қачонки, у эрта босқичларда аниқланса.

Қайд этиш зарурки, 2014-2015 йилларда вилоятимиздан 340 врач-гинеколог янги услуб бўйича малака оширди. Семинарлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Репродуктив саломатлик маркази, Тошкент шаҳар ва вилоят ҳокимликлари, соғлиқни сақлаш бошқармалари ҳамкорлигида ўтказилди. Репродуктив саломатлик марказининг вилоятлардаги барча филиалларида ҳам ушбу тиббий-услубий қўлланма асосида текширувлар ўтказиш режалаштирилган.

**Ирода НОБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

Яшил майдон

*Футбол бўйича Ўзбекистон XXV миллий чемпионати олий лига баҳсларининг иккинчи тур учрашувлари доирасида вилоятимиз шарафини ҳимоя қилаётган "Металлург" жамоаси "Машъал"ни 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.*

## БИРИ ҒОЛИБ, БИРИ МАҒЛУБ

Ўз уйида "Насаф"ни қабул қилган яна бир вилоятимиз вакили "Олмалиқ" жамоаси эса худди шундай ҳисобда ўйинни бой берди.

Амалдаги чемпион – "Пахтакор" ўз майдонида "Қўқон-1912" жамоаси устидан 4:0 ҳисобида ғалаба қозониб, мусобақа жадвалини бошқариб бормоқда.

"Локомотив" клуби меҳмонда "Андижон" жамоасини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратган бўлса, "Бунёдкор" сафарда "Сўғдиёна" жамоасини, "Қизилқум" "Шўртан"ни, "Нефтчи" эса ўз майдонида "Навбаҳор"ни 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Муроса кўчасини танлашган "Обод" (Тошкент) ва "Бухоро" жамоалари ўртасидаги баҳсда ҳисоб очилмади.

**Авазбек ИСРОИЛОВ.**

Теннис

*Республика олимпия захиралари теннис мактаби кортларида ўсмирлар ўртасида халқаро турнир бошланди.*

## СИНОВ ДАВОМ ЭТАДИ

Халқаро теннис федерацияси (ITF) мусобақалари тақвимидан жой олган мусобақада ўндан зиёд давлатдан келган теннисчилар яккалик ва жуфтлик баҳсларида куч синашмоқда.

Мазкур турнирнинг яккалик баҳслари биринчи даврасида иқтидорли теннисчимиз Жўрабек Каримов Жанубий Корея вакили Йеонгсеок Жеонгни 6:2, 6:0 ҳисобида енгди. Шарофиддин Абзалов латвиялик Густавс Лукстинс, Ҳумоюн Султонов Буюк британиялик Луис Нюман устидан ғалаба қозонди.

Мусобақа давом этмоқда.

**Ж. ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

Ибрат

## ТАНБУРНИ ЗЎР ЧЕРТГАН КИМ?

Бу воқеани кимдандир эшитгандим. Ҳарчанд уринмай, эслолмадим. Муҳими бу эмас. Аммо, қаердаки танбур навосини тингласам, шу воқеа ёдимга келаверади.

Танбур ижрочиларининг нуфузли танлови ўтказилибди. Ҳакамлар ҳайъатига раислик қилиш беназир созанда Турғун Алиматовга топширилибди. Мукофот катта, чор-тарафдан манаман деган мутриблар келиб, соз "сайратишибди".

Якунда ғолибликка икки ёш танбурчи даъвогар бўлиб, ҳайъатни хийла шошириб қўйибди. Иккиси ҳам олий ўринга лойиғ-у, бош соврин битта экан-да. Ҳаммадан ҳам устоз созандага қийин. Биринчидан, у – ҳайъатга раис, ғолибни эълон қилиши керак, иккинчидан, даъвогарларнинг иккови ҳам ўзининг шогирди. Яна денг, бири суюкли набираси...

Бу икки шогирд ҳозир тенгсиз танбурчи. Танийсиз, улардан бири Аброржон Зуфаров – анъанавий созандалик бўйича етук мураббий. Ёшларга соз сеҳру синоатидан сабоқ беради. Тоир Қўзиев эса, анчайин номи чиқиб қолган "Сато" гуруҳининг асосчиси, республикада хизмат кўрсатган артист.

Хуллас, ғолибни аниқлашда бир қарорга кела олмаган ҳайъат ҳалидан буён сукут сақлаб ўтирган Турғун Алиматовга юзланибди: "Ўзингиз бирор нима денг, энди..."

– Ғолиб маълум, баҳсга ўрин йўқ, – дебди раис. – Икки даъвогар ҳам бетакрор истеъдод эгаси. Лекин, биринчи ўринни Қўзиевга берсак, адолатдан бўлади...

Ҳайъатдан луқмалар:

– Аброржон ҳам куйни моҳирона ижро этди-ку?!

– Ўз набирангиз-а, ахир...

– Тўғри айтасиз, Аброр – набирам, – дебди устоз. – Бинобарин, соз чалишни ўз уйида, менинг ёнимда юриб ўрганди. Тоир эса ушоқдай пайтидан мени дараклаб келди, ҳар куни шунча узоқ жойдан қатнаб, сабоқ олди. Энди ўзингиз айтинг-чи, илму ҳунар эгаллаш йўлида ким кўпроқ тер тўккан, Аброрми ё Тоир?

Алқисса, ўша танловда соврин Тоир Қўзиевда кетган дейишади.

**Муҳаммад АЪЛО.**

Жиноятга жазо муқаррар

## БУЗҒУНЧИ ТАРҒИБОТГА ЙЎЛ ЙЎҚ

*Бугунги глобаллашув жараёни, хусусан, кундалик ҳаётимизга замонавий уяли алоқа воситалари, компьютер ва интернетнинг кириб келиши дунёнинг турли минтақаларида бўлаётган янгиликлардан тез хабардор бўлиш, масофадан туриб иш бошқариш каби қатор қулайликларни туҳфа этди. Бу ахборот олиш ва узатиш тизимини тубдан яхшилаши баробарида фан, таълим, иқтисодиёт, саноат каби тармоқлар, айниқса, жамиятимизнинг жадал ривожланишида муҳим воситадир.*

Аммо шуни ҳам унутмаслик жоизки, чексиз қулайлик ва имкониятлари билан турмуш тарзимизнинг ажралмас қисмига айланган мазкур воситалар халқаро ҳамжамият, хусусан, юртимиздаги тинчлик, осойишталик, тотувлик ва бирдамликка қайсидир маънода таҳдид солмоқда. Маълумки, бугун дунёнинг турли бурчакларида, хусусан, Сурияда қонли тўқнашувлар давом этиб, оқибатда миллионлаб бегуноҳларнинг қони тўкилаяпти. Ёш умрлар хазон бўлаяпти. Бунда, албатта, ўз-ўзидан "Кимлар кимларни қирғинбарот қилмоқда, нима учун, улар ўзи кимлар?!", деган саволлар пайдо бўла бошлайди. Жавоблар аниқ. Улар мақсад ва муддаолари мантиқсиз ва пуч, иддаолари ўзлари сингари бетайин, тўғри йўлдан адашган тенгқурларимиз, энг ачинарлиси, баъзилари юртдошимиз, ака-укаларимиз, опа-сингилларимиз. Улар "Ислом давлати қуриш", асли туб моҳиятида умуман бошқа, пул ва ҳукумат бошқаруви каби мақсадлар мужассам бўлган ғояларни амалга ошириш учун бегуноҳлар қонини тўкишмоқда. Ушбу жавоблар "Қандай қилиб сизу бизнинг фарзандларимиз, жигарбандимиз қўлида қурол билан жанг майдонига кираяпти?!" деган саволни кўндаланг қўяди. Бу сафар жавоб бир қадар мушкул. Чунки, ҳеч ким жонини хатарга қўйиб, жанг майдонига кирмайди-да.

Буни яхши англаган террорчи ташкилот раҳнамолари "армия"си сафларига "аскар"лар ёллашда айёрона йўл танлашган. Муқаддас ислом динимиз ва турли ҳудудлардаги давлат сиёсатлари тўғрисида уйдирма ва бўҳтонлар тўқиб, улардан етарли диний ва сиёсий билимга эга бўлмаган ғўр ёшларни тузоқларига илинтириш мақсадида фойдаланишаётгани, бунда асосий хизмат воситаси қўл телефон аппаратлари, компьютер ва интернет тармоғи эканлиги барчамизга аён ҳақиқатдир. Шу боис, мамлакатимизда миллий, ирқий, этник ва диний адоватларни қўзғатиш, тинчлик ва хотиржамлик, бирдамлик ва ҳамжиҳатликка рахна солиш, республикамизнинг амалдаги давлат тузумини Конституцияга хилоф равишда ўзгартириш, ҳокимиятни куч ишлатиб эгаллаш ва бошқа турли қарама-қаршиликларни тарғиб қилувчи материаллар, видеороликлар олиб кириш ва тарқатишга йўл қўйилмайди.

Шундай бўлсада, республикамизга жанг майдонларидаги уруш ва қатлиомлар, барчани ўз сафларига чақириш мазмунидаги даъватлар акс этган видеороликлар, шунингдек, турли диний мазмундаги ва сиёсий бўҳтонлардан иборат материалларни олиб киришга уриниш ҳолатлари учраб турибди.

Хусусан, Қозоғистон Республикасининг бир неча фуқаролари, чунончи, Чимкент вилоятидан Музаффархон Тажиметов, Жанубий Қозоғистон вилоятидан Октам Абдушев, Қизил Ўрда вилоятидан Абдилкахар Тулегенов, Чимкент шаҳридан Эржан Усенбаев ҳамда яна бир Қозоғистон фуқароси Даулет Бадаевлар ўзларининг уяли телефон аппаратидаги ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, аҳоли орасида ваҳима чиқаришга хизмат қилувчи видеороликлари билан республикамизга кириб келаётганида Зангиота туманидаги "Ғишт кўприк" чегара божхона постида сергак посбонларимиз томонидан қўлга олинди.

Шунингдек, Россия Федерациясидан қайтаётган Самарқанд вилоятилик Бекзод Нурпўлатовнинг ноутбукида ҳам шу мазмундаги видеороликлар борлиги аниқланди.

Тергов-суриштирув жараёнида аниқланишича, қозоғистонлик айбланувчилар иш ёки онасининг бетоблиги баҳонасида мамлакатимизга келаётгани ва телефонида тақиқланган видеороликлар мавжудлигидан бехабарлигини айтишган. Шунингдек, самарқандлик Б. Нурпўлатов ҳам ноутбукни қизи учун сотиб олганини, хотирасида нима борлигини яхши билмаслигини баён қилган.

Бу ҳолат ўз-ўзидан мулоҳазага чорлайди. Хўп, шундай ҳам дейлик, аммо, одам дегани телефон ёки компьютерида нима борлигини билмайдиган даражада лоқайд бўлиши мумкинми? Эс-ҳуши жойида бўлганлар учун жавоб битта – "Йўқ, албатта!". Тўғри, ўша пайтда айбланувчиларнинг хаёли паришон бўлгандир, аммо, атайлаб ушбу видеороликларни олиб киришни ва тарқатишни мақсад қилган бўлсачи?!.

Бундай ҳолатларда ҳар бир юртдошимиз ён-атрофимизда бўлаётган воқеаларга нисбатан бефарқ бўлмаслиги, ғаламисларнинг тарғиботидан огоҳ бўлиши зарур. Зеро, бу билан биз Ватанимиз, маҳалламиз, хонадонимиз ҳамда фарзандларимиз хавфсизлигини сақлаган, бугунги тинч ва фаровон ҳаётимизнинг давомийлиги ҳамда янада ривожланишига ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Мазкур ноқонуний хатти-ҳаракатлар Жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг очиқ суд мажлисида кўриб чиқилди ва айбдорларга нисбатан тегишли жазо белгиланди.

**Бахтиёр БОБОЕВ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта: thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:

| | |
|---|---|
| Қабулхона: | 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс). |
| Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: | 233-38-23, 233-48-08. |
| Шартнома ва эълонлар: | 233-81-21, 233-65-59. |
| Ҳисоб-китоб бўлими: | 233-54-10. |

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатта олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Юлдузхон МУҲИДДИНОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-5379. Адади 14322. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 23.40.